



**Савол:** Ислом рамзи сифатида янги чиккан ой (хилол) танланганини биламиз. Нега ой танлангани ва бу нарса қачон жорий этилгани хақида маълумот беролмайсизларми?

**Жавоб:** Аллох таоло ойни кечалари нур сочиб ёритиб туриши учун яратган. Аллох таоло ойни яратиш билан бандаларнинг йиллар саногини ва вақт ҳисобини ҳатосиз ҳисоблаб юришларини ирода этган. Бу борада Расулуллоҳдан (соллаллоху алайхи ва саллам) бир неча ҳадислар ворид бўлган. Хусайн ибн Хорисдан (розиаллоху анху) ривоят қилинишича, Макканинг амири хутба қилиб: «Расулуллох бизларга ибодатларни ойни кўриб адо этишни... амр қилганлар», деди (Имом Абу Довуд ва Дора Кутний ривоятлари). Ибн Умардан (розиаллоху анху) ривоят қилинади. Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам): «У (ой)ни кўриб рўза тутинглар ва уни кўриб очинглар», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Ислом рамзи сифатида хилолнинг танланишига усмонийлар давридаги воқеалар сабаб бўлган. 1453 йили Султон Муҳаммад Фотих Византиянинг юраги саналмиш Кустантания (ҳозирги Истанбул) шаҳрига юриш бошлади. Ислом тарихида хал қилувчи жангни бошлаш пайти қилиб осмонда ой кўриниши белгиланди. Сўнгра хилол чиқиши билан хужумга ўтилди ва бу муҳим шаҳар фатх этилди. Фотихлар шундан кейин ой суратларини байроқларига туширишди.

У пайтда усмонлилар халифаликни хали қўлга олишмаган эди. 1516 йили Султон Салим Биринчи Ислом ўлкалари устидан ҳукмронликни қўлга киритди. Байроқдаги ой сурати ҳам усмонлилар орқали бошқа мусулмон юртларга рамз ўларок тарқалди.

Ҳозирги пайтда жаҳондаги ўн учта мамлакат - Жазоир, Комор ороллари, Мавритания, Малайзия, Малдив, Озарбойжон, Покистон, Сингапур, Тунис, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон, Ғарбий Саҳара байроқларига ой (хилол) тасвири туширилган.

Масжидларнинг минора ва гумбазлари устига ҳам ой тасвири ўрнатиш урфга кирган.

## Нега хилол танланган?

Муаллиф:

04.01.2015 19:35 -

---

"Динда саволим бор" китобидан